Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# 769 Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги ПФ—4974-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг таркибий тузилмалари фаолиятини самарали ташкил қилиш, улар раҳбарлари ва ходимларининг Давлат раҳбарининг ҳужжатлари ва топшириқларини сўзсиз ижро қилиш бўйича шахсий масъулиятини белгилаш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ижобий натижаларга эришиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламенти (бундан буён матнда Регламент деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмалари раҳбарлари:

биринчидан — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлиги, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатларини самарали рўёбга чиқарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни;

иккинчидан — тегишли таркибий бўлинмаларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек барча даражадаги ҳокимликларда ишни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида назарда тутилган сиёсатни самарали амалга ошириш заруратини ҳисобга олиб ташкил қилишни;

учинчидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмаларига юклатилган вазифалар ва функцияларни сўзсиз бажаришни;

тўртинчидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширилиши ҳолатини, шунингдек уларнинг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган камчиликлар ва муаммоларни танқидий ҳамда тизимли таҳлил қилиш, уларни ҳал қилиш бўйича чуқур ишланган ва ҳар томонлама асосланган таклифлар киритиш, шунингдек бошқарув органлари мансабдор шахсларининг иқтисодиёт тармоқларида, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий соҳаларда ишнинг



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



якуний натижалари учун ҳамда республика аҳолисининг барча тоифалари ҳаётининг муносиб даражаси ва сифатини оширишда шахсий жавобгарлиги чораларини белгилашни;

бешинчидан — ўзлари раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинмаларда шахсий ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқишга киритиладиган ҳужжат лойиҳалари ва масалаларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш бўйича ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бошқа ҳужжатларини мазкур Регламент талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқсин.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари Регламент талабларига сўзсиз риоя қилинишини таъминласин, бунда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларида ва йиғилишларда, шу жумладан минтақаларга қилган ташрифларида берган топшириқларини қатъий бажаришга алоҳида эътибор қаратсин.

Кўрсатилган органлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли ижро қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин, бунда ҳисоб-китобларнинг ҳар томонлама асослантирилгани, молия манбаларининг ва прогноз натижаларга эришишнинг ҳаққонийлиги назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги Ф–2118-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида»ги фармойиши ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг таркибий тузилмалари раҳбарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 июль,
ПҚ–3161-сон



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 28 июлдаги
ПҚ–3161-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг РЕГЛАМЕНТИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва унинг таркибий тузилмалари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони (бундан буён матнда Девон деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида амалга оширади.

3. Девон Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-таҳлил ва ташкилий-назорат органи ҳисобланади.

4. Девон ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Девон тўғрисидаги низомга, шунингдек мазкур Регламентга амал қилади.

5. Девонга юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишни таркибий тузилмалар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижро этувчи аппарати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси (бундан буён матнда Девоннинг таркибий тузилмалари деб юритилади) таъминлайди.

Девон ва унинг таркибий тузилмаларининг тузилмалари, улар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

### 2-боб. Девон ишини ташкил этиш

6. Девон иши Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари талабларини сўзсиз таъминлашга қаратилган Девоннинг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомлар, уларнинг иш режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига мувофиқ ташкил этилади.

Иш режалар таркибий тузилмаларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади. Иш режаларга қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президен-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



тининг жорий топшириқлари инобатга олинган ҳолда тизимли ва доимий равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Иш режаларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва натижадор ижро этилиши учун таркибий тузилмалар раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

7. Девонда иш юритиш Ишлар бошқарувчиси томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар билан ишлаш бўйича қоидаларга асосан юритилади.

Девонда махфий иш юритиш давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Барча ижро этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ёки таркибий тузилмалар раҳбарларининг қарори бўйича назоратдан олинади ва архивга топширилади.

## 3-боб. Девонга киритиладиган асосий ҳужжатлар ва масалалар рўйхати

8. Девонга кўриб чиқиш учун:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари — келишиш, қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари — имзолаш ва эълон қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари лойиҳалари — имзолаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) алоҳида қарорлари лойиҳалари –келишиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирувчи лавозимга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиш ва лавозимидан озод этиш учун номзодлар бўйича таклифлар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш, олий ҳарбий ва махсус унвонларни бериш, улардан маҳрум этиш, шунингдек Давлат мукофотларини бериш тўғрисида тақдимномалар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича мурожаатлар;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этишга оид мурожаатлар;

чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган алоҳида тоифадаги мансабдор шахсларнинг хизмат сафарларига чиқиши тўғрисида таклифлар;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатлари киритилади.

Девонга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси юзасидан, шунингдек унинг таркибий тузилмалари ваколатларига тегишли бўлган бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



9. Девонга келиб тушган хат-хабарлар Девон Ишлар бошқармасининг Умумий бўлимида (бундан буён матнда Умумий бўлим деб юритилади), давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотларни ўз ичига олганлари эса Девон Ишлар бошқармасининг Режим бўйича хизматида (бундан буён матнда Режим бўйича хизмат деб юритилади) рўйхатга олинади.

Хат-хабарларни рўйхатга олмасдан туриб қабул қилишга йўл қўйилмайди.

10. Девонга киритилган, ҳал этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Девон таркибий тузилмалари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилади.

## 4-боб. Қонун лойиҳаларини келишиш, уларни қонунчилик ташаббуси тартибида Девонга киритиш тартиби

11. Девонга келишиш учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш учун киритилган қонун лойиҳалари 2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сонли «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни талаблари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

12. Қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш 2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сонли «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 29 августдаги 522-II-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Девонга киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қайта ишлаш ва экспертиза қилиш Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан уларга юклатилган вазифалар, функциялар ва ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Тегишли таркибий тузилма Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) кўриб чиқилишида иштирок этиш учун вакил ёки мутахассислар гуруҳини белгилайди.

Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати Девон таркибий тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббусини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



## 5-боб. Ўзбекистон Республикаси қонунларини имзолаш ва эълон қилиш тартиби

14. Қонунларни имзолаш ва эълон қилиш мазкур Регламентнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

16. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонуни (бундан буён матнда қонун деб юритилади) Сенат томонидан, қонунда белгиланган ҳолларда эса Қонунчилик палатаси томонидан Девонга тегишли кузатув хати билан юборилади. Хатга:

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тегишли қарорлари;

қоғоз ва электрон шаклдаги ахборот-таҳлилий маълумотлар (қонуннинг қабул қилиниши асослантирилган ва концепцияси баён қилинган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали, молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, бошқа маълумот ва таҳлилий материаллар) илова қилинади.

17. Девонга тақдим этилган қонунга Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси томонидан қонунда белгиланган ҳолларда эса — Қонунчилик палатаси Спикери томонидан имзоланган бўлиши керак.

18. Девонга келиб тушган қонун Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига юборилади.

Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати қонун билан тартибга солинадиган масалаларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, уни эксперт жиҳатдан ўрганиб чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолашга киритиш учун бошқа таркибий тузилмаларга юбориши мумкин.

19. Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати қонуннинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди. Ҳуқуқий экспертиза натижасида қонунни имзолаш мумкинлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътирозлари билан қайтариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрланади.

Қонун Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматининг хулосаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун киритилган кундан бошлаб ўттиз кун ичида уни имзолайди ва эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган қонунга рақам, сана ва имзолаш жойи берилади. Қонуннинг тарқатиладиган нусхалари Умумий бўлим муҳри билан тасдиқланади. Имзоланган қонуннинг асл нусхаси барча имзолар, кузатув хати ва ахборот-таҳлил материаллари билан бирга Умумий бўлимда сақланади.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



21. Ўзбекистон Республикасининг қонуни у имзоланган кунда Умумий бўлим томонидан қонунни имзолашга киритган таркибий тузилманинг масъул ходими томонидан имзоланадиган 2-иловага мувофиқ шаклдаги тарқатиш реестрига асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юборилади.

22. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари улар имзоланган кунда тарқатмага асосан Умумий бўлим томонидан:

Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилинишини ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисоби ва назорат нусхалари юритилишини ташкил этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси»да эълон қилиш учун;

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятига — эълон қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами»да, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилиш, уларнинг тизимлаштирилган ҳисоби ва назорат нусхаларини юритиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга етказиш учун;

Девоннинг Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизматига — оммавий ахборот воситаларида қонун имзолангани ҳақидаги ахборотни эълон қилиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида эълон қилиш учун юборилади.

23. Қонун имзолангандан сўнг Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати уни:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига — ижрочиларга қонунни етказиш чораларини кўриш учун ахборот-таҳлилий материаллар (қонуннинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган таққослаш жадвали) электрон шаклда;

тегишли ташкилотларга — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилинадиган расмий манбаларида эълон қилиш учун қонун матнининг электрон шакли;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида эълон қилиш учун қонун матнининг электрон шакли юборилишини таъминлайди.

24. Қонунларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғида бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса, қонун имзоланган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тасдиқланадиган чора-тадбирлар назорат режасига мувофиқ амалга оширилади.

25. Қонун билан тартибга солинадиган масалаларнинг моҳиятидан ҳамда тегишли давлат органларининг ваколатларидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар назорат режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конс-



WWW.LEX.UZ

титуциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда, чора-тадбирлар назорат режаси Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари билан келишилади.

26. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари қабул қилинган қонунларнинг самарали амалга оширилишини ташкил қилишга масъул ҳисобланади.

27. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

## 6-боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, имзолаш ва эълон қилиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари лойиҳаларини келишиш тартиби

### 1-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлашнинг умумий масалалари

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарорлар қабул қилинадиган энг муҳим йўналишлар ва масалалар рўйхати мазкур Регламентнинг 3-иловасида келтирилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади ҳамда фармонлар ва қарорлар шаклида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамият ҳаётининг алоҳида соҳаларини ислоҳ қилишга ёки давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашга, давлат органларини ташкил этишга (тугатишга) қаратилган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари фармонлар шаклида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа ҳужжатлари — қарорлар шаклида қабул қилинади, бундан мазкур банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно.



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари фармойишлар шаклида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий бўлмаган ҳужжатлари (кадр масалалари, фуқаролик, афв этиш, сиёсий бошпана бериш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳамда ҳарбий ва махсус унвонларни бериш масалалар бўйича, бошқа индивидуал тусдаги масалалар ва ҳ.к.) ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари шаклида қабул қилиниши мумкин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари қонун ҳужжатларининг ижроси асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Девоннинг таркибий тузилма раҳбарлари топшириқлари бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқарувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ташкилотлар ташаббуси бўйича уларга юклатилган вазифаларнинг ижроси асосида ишлаб чиқилади.

32. Девоннинг таркибий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини мустақил ишлаб чиқишга ҳақли. Бунда лойиҳани тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан келишиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш лойиҳани ишлаб чиққан Девоннинг таркибий тузилмаси томонидан таъминланади.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига кўра ишлаб чиқилганда лойиҳани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш муддати ўн беш кунни ташкил қилади (агарда бошқа муддат белгиланмаган бўлса), шу жумладан:

лойиҳани ишлаб чиқиш — уч кун;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш — икки кун;

Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш — икки кун;

лойиҳани Вазирлар Маҳкамасида ўрганиб чиқиш — беш кун;

лойиҳани Девонда ўрганиб чиқиш — уч кундан иборат.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, имзолаш ва эълон қилиш мазкур Регламентнинг 4 ва 4а-иловаларидаги схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари мазкур Регламентнинг 5-иловасига мувофиқ техник талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.



WWW.LEX.UZ

## 2-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш тартиби

37. Асосий ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишилиши лозим.

Келишиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, уч кун ичида кўриб чиқилади.

Келишиш ва экспертиза учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари тегишли органлар раҳбарлари (истисно ҳолларда уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари келишилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилади. Ҳуқуқий экспертиза Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ўн кун муддат ичида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра вазир (истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари) имзолайдиган тегишли хулоса тайёрлайди.

38. Келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари эътирозлар бўйича асослантиришларни ўз ичига олган келишмовчиликлар жадвали билан бирга Девонга киритилади.

39. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи лойиҳа белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятига таъсири жиҳатдан баҳоланиши ва муҳокама қилиниши шарт.

40. Агар лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашга олиб келса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар, қоида тариқасида, тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан айни бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Ҳужжат алоҳида лойиҳа кўринишида тақдим этилган тақдирда мазкур ҳужжат ҳам белгиланган тартибда манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишилиши ва белгиланган муддатларда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, улар келиб тушган кундан ўн кун ичида кўриб чиқилади.



WWW.LEX.UZ

## 3-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини Девонга кўриб чиқиш учун киритиш

42. Девонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари кўриб чиқиш учун:

Вазирлар Маҳкамаси томонидан — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарадорлигини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, тегишлича суд, прокуратура, адлия ва ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги томонидан — миллий хавфсизлик, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қўриқлаш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан — ташқи сиёсат масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларни ижроси самарадорлигини ошириш масалалари бўйича.

Мазкур бандда кўрсатиб ўтилган давлат органлари уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа масалалар бўйича ҳам Девонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритишлари мумкин.

43. Девонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Девоннинг таркибий тузилмалари раҳбарларининг бевосита уларга берган топшириқларига асосан бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам киритилиши мумкин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Девонга қоғоз ва электрон кўринишда лойиҳани киритган органнинг раҳбари (истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари) тасдиқлаган кузатув хати билан Девоннинг тегишли хизматини кўрсатган ҳолда киритилади.

45. Хатга қоғоз ва электрон кўринишда қуйидагилар илова қилинади:

лойиҳани киритган орган раҳбари (истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган ва манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишилган лойиҳа;

лойиҳа келишилганлиги тўғрисида маълумотнома;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



лойиҳанинг қабул қилиниши асосланган ва амалга ошириш оқибатлари баҳоланган асосий ишлаб чиқувчи орган раҳбари (истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган тушунтириш хати;

Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза натижаси бўйича хулосаси (фақат қоғоз кўринишида тақдим қилинади);

кўрилаётган масала ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган ва объектив баҳоланган зарур молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, бошқа маълумотномалар ва таҳлилий материаллар;

киритилган лойиҳа қабул қилиниши муносабати билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳалар, шунингдек асосий ишлаб чиқувчи орган раҳбари томонидан имзоланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирларининг асослантирилган таққослама жадваллари;

лойиҳага шарҳлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг муҳим ҳужжатларини қабул қилиш мақсадларини, шунингдек унинг асосий қоидаларини жамоатчиликка қулай шаклда, оддий ва лўнда тилда тушунтириб бериш зарур бўлган ҳолларда).

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Девонга давлат тилида, зарур ҳолларда — унинг бошқа тилларга таржимаси билан киритилади.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини Девонга киритаётган органларнинг биринчи раҳбарлари лойиҳаларнинг пухта, ўз вақтида ишлаб чиқилишига, асослантирилганлиги ва сифатига, ҳисоб-китобларнинг ҳақиқийлигига, кафолатланган молиялаштириш манбаларига ва эришиладиган прогноз натижаларига, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигига, шунингдек уларнинг манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан лозим даражада келишилиши учун шахсан жавобгардир.

## 4-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини Девонда ўрганиб чиқиш

48. Лойиҳа Девонда, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, келиб тушган кундан ўн кун ичида ўрганиб чиқилади.

49. Девонга киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Умумий бўлимда рўйхатдан ўтказилади ва шу куннинг ўзида кўриб чиқиш учун:

Ташкилий-кадрлар хизматига — кадрларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларни шакллантириш, давлат хизмати институтини такомиллаштириш, бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, давлат мукофотлари ва геральдика масалалари бўйича;

Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига — норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, парламентаризм, сайлов ва сиёсий тизим, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органла-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



ри фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, амнистия ва афв этиш масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппаратига — миллий хавфсизликни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш, давлатнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш, ташқи сиёсат масалалари бўйича;

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига — фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш масалалари бўйича;

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизматига — иқтисодиёт, ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, молия-банк, бюджет-солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш масалалари бўйича;

Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизматига — миллий ғоя ва мафкурани мустаҳкамлаш, нашриёт иши, оммавий ахборот воситалари, маданият ва санъат, ижодий ва маънавий-маърифий ташкилотлар масалалари бўйича;

Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматига — миллатлараро муносабатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан диний ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича;

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати — ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича;

Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизматига — фанни ва инновация жараёнларини, таълим ва кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва спорт тизимини ривожлантириш масалалари бўйича киритилади.

50. Девоннинг таркибий тузилмаси раҳбари лойиҳани ишлаб чиқилиши учун масъул ижрочини белгилайди. Лойиҳа ижрочиси лойиҳани миллий ва давлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий самарадорлиги ва ундаги масалаларнинг боғлиқлиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказади. Зарурат бўлганда, лойиҳа ижрочиси лойиҳани қайта ишлайди, шунингдек ўзининг раҳбарига идоравий зиддиятларни ечиш учун таклифлар киритади.

Аппаратнинг таркибий тузилмалари қўшимча материаллар ва маълумотлар сўраш, зарур молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, маълумотлар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, шу жумладан лойиҳани қабул қилишдан кутилаётган оқибатларни баҳолаш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этиш ҳуқуқига эга.



WWW.LEX.UZ

51. Агар лойиҳада Девоннинг бошқа таркибий тузилмалари юритувига кирувчи нормалар мавжуд бўлса, лойиҳа уларга хат билан ёки бевосита келишиш учун юборилади, улар, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, уч кун ичида лойиҳани кўриб чиқади ва имзолайди ёки у бўйича ўз таклиф ва эътирозларини тақдим қилади.

52. Узил-кесил қайта ишланган лойиҳа Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг имзоси билан хат орқали ёки бевосита Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилади:

лойиҳани келишган манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари раҳбарларининг (мавжуд бўлса) имзолари;

манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг эътирозлари бўйича асослантирилган келишмовчиликлар жадвали;

зарур молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, ахборот ва таҳлилий материаллар.

53. Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати лойиҳани уч кун давомида, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, натижаси бўйича Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати раҳбари томонидан имзоланишини таъминлайди ёхуд у бўйича эътироз ва таклифларни тақдим этади.

Зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг лойиҳани тайёрлаш ҳақидаги топшириғининг шошилинчлигига қараб, лойиҳани ишлаб чиқиш, келишиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муддатлари қисқартирилиши мумкин.

54. Девоннинг таркибий тузилмаларининг эътироз ва таклифлари ишчи тартибида бартараф этилиши мумкин. Агар бартараф этиб бўлмайдиган эътироз ва таклифлар бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар тегишли хулосада баён қилинади.

55. Имзоланган лойиҳа шу куннинг ўзида Девоннинг тегишли таркибий тузилмасига мазкур таркибий тузилма масъул ходимининг Девоннинг келишилаётган таркибий тузилмасида сақланадиган лойиҳа нусхасига уни қабул қилиб олганлиги ҳақидаги белгини қўйган ҳолда бевосита ходим орқали қайтарилади.

## 5-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритиш

56. Лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан кейин Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбари томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосар-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



лари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси, шунингдек бошқа мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

57. Агар лойиҳа пухта қайта ишлашни талаб этса ёки уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, лойиҳа Девоннинг тегишли хизмати томонидан қайта ишланади, ёки Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбари имзолайдиган хулоса билан лойиҳани киритган органга қайтарилади.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътирозлари мавжуд бўлса, агарда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, Девоннинг таркибий тузилмалари ўн кун муддат ичида лойиҳани қайта ишлаб чиқади ҳамда такроран кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади.

## 6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш, эълон қилиниши ва ижрочиларга етказилишини ташкил қилиш

59. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган фармон, қарор ва фармойишга рақам, сана ва имзолаш жойи берилади.

Фармон, қарор ва фармойишларнинг тарқатиладиган нусхалари Умумий бўлимнинг муҳри билан, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган нусхалар эса — Режим бўйича хизматнинг муҳри билан тасдиқланади.

Имзоланган фармон, қарор ва фармойишнинг асл нусхаси, лойиҳанинг имзоланган нусхалари, лойиҳага тегишли барча материаллар, шу жумладан билдирги ва тушунтириш хати, ахборот, таҳлилий ва бошқа материаллар рўйхат асосида тегишинча Умумий бўлим ёки Режим бўйича хизматга сақлаш учун топширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган фармон, қарор ва фармойиш лойиҳалари бўйича материаллар сақлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратига юборилади.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ва фармойиши имзолангандан сўнг, лойиҳани ишлаб чиқишга масъул бўлган ижрочи тегишли хизмат раҳбари билан келишган ҳолда ҳужжатни, шунингдек унга шарҳни матбуотда эълон қилиш заруриятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳисобланадиган (умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган), шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий бўлмаган, шунингдек, оператив ва бошқа жорий масалалар бўйича қабул қилинган ҳужжатлари мажбурий эълон қилиниши шарт эмас. Бундай ҳужжатлар аҳолини кенг ва тезкор хабардор қилиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



Республикаси Президентининг топшириғига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилиниши мумкин.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатига унинг эълон қилиниши бўйича чеклов тўғрисида гриф қўйилиши лойиҳани ишлаб чиқишга масъул бўлган ижрочи ҳамда Умумий бўлим зиммасига юклатилади.

62. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган фармон, қарор ва фармойишнинг бошқа тилда эълон қилиниши зарур бўлганда лойиҳани имзога киритган Девоннинг таркибий тузилмаси Умумий бўлим билан биргаликда имзоланган ҳужжат таржимасининг унинг матнига мувофиқлиги ва бир хиллигини таъминлайди ҳамда масъул бўлади.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойиши имзоланган кунда Умумий бўлим томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларга лойиҳани имзога киритган Девоннинг таркибий тузилмаси масъул ходими томонидан имзоланадиган 2-иловага мувофиқ шаклдаги тарқатиш реестрига асосан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат сирини ташкил этадиган фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда улардан кўчирмаларни тарқатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

64. Фармон, қарор ва фармойишлар нусхалари, бундан давлат сирларига тегишли ҳужжатлар мустасно, улар имзоланган кунда Умумий бўлим томонидан қуйидагиларга юборилади:

Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилишни ташкил этиш (зарурат бўлганда) ҳамда уларнинг тизимли ҳисобини ва назорат нусхаларини юритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси»да эълон қилиш учун (зарурат бўлганда);

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилиш учун (зарурат бўлганда), шунингдек уларнинг тизимли ҳисобини ва назорат нусхаларини юритиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар эътиборига етказиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида эълон қилиш учун (зарурат бўлганда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим аҳамиятга эга бўлган фармон, қарор ва фармойишлари имзоланган кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ Девоннинг таркибий тузилмаси раҳбарининг ёзма кўрсатмаси бўйича Умумий бўлим томонидан эълон қилиш учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятига, аҳолини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари билан кенг кўламда ва тезкор таништириш зарур бўлганда эса —



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, шунингдек Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига телевидение орқали етказиш учун юборилади.

65. Лойиҳани имзолашга киритган Девоннинг таркибий тузилмаси лойиҳа имзолангандан кейинги кундан кечиктирмай уни қуйидагиларга юборилишини таъминлайди:

Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматига — Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, шунингдек ахборот-таҳлил материалларнинг (ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган таққослаш жадвали) электрон шаклларини;

тегишли ташкилотларга — Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг электрон шаклларини расмий эълон қилиш учун (зарурат бўлганда);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг электрон шаклларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида эълон қилиш учун (зарурат бўлганда).

66. Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг электрон шаклларини, шунингдек уларга ахборот-таҳлил материалларни ҳужжатни ижрочилар ва аҳолига етказиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланадиган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, улар имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилинадиган расмий манбаларида — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» ва «Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинади.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг ижрочилари — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари:

фаолиятига қабул қилинган ҳужжат дахлдор бўлган ўзининг таркибий ва ҳудудий тузилмаларига ўз вақтида етказилишини ташкил этади;

ўз ходимлари ва аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган ҳужжатлари мазмуни ва аҳамиятини тушунтиришни таъминлайди.



WWW.LEX.UZ

### 7-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида ҳужжатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига тасдиқлаш учун киритиш Девоннинг фармонни имзолашга киритган таркибий тузилмаси томонидан Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати билан биргаликда таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонлари уч сутка ичида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар масалалари, фуқаролик, афв этиш, сиёсий бошпана бериш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳамда олий ҳарбий ва махсус унвонлар бериш масалалари бўйича фармон, қарор ва фармойишларининг тайёрланиши, кўриб чиқилиши, имзоланиши ва эълон қилиниши мазкур Регламентнинг 10 — 13-бобларига мувофиқ амалга оширилади.

### 8-§. Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари лойиҳаларини келишиш тартиби

71. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари қабул қилинадиган масалалар рўйхати мазкур Регламентнинг 3-иловасида келтирилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Девоннинг таркибий тузилмалари раҳбарлари билан келишиш учун бошқа масалалар бўйича ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари киритилиши мумкин.

72. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиладиган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Девонга Бош вазир томонидан ёки унинг топшириғига кўра Бош вазир ўринбосарлари ёки Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан киритилади.

73. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Девонга кўриб чиқиш учун киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

74. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



қарорлари ва фармойишларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

75. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг резолюцияси ёки Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбари хатида баён этилган топшириғи билан қайтарилади.

Девонга киритилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилмайдиган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси хулосаси билан имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилади.

## 7-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказиш, йиғилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари баённомасини тайёрлаш ва имзолаш тартиби

76. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун йиғилишлар, шу жумладан селектор ва сайёр йиғилишлар чақириши мумкин.

77. Йиғилиш унинг таркибий қисмини тайёрлаш юклатилган Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси томонидан Ижро этувчи аппарат билан биргаликда ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларини жалб қилган ҳолда ташкиллаштирилади.

78. Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси Ижро этувчи аппарат билан биргаликда йиғилиш кун тартибини, қатнашувчилар ва сўзга чиқувчилар рўйхатини, ўтказиш жойини, шунингдек, зарурат бўлганда, якуний ҳужжат лойиҳасини тайёрлайди.

Манфаатдор давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари йиғилиш ўтказилишига беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда, агарда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, тегишли ахборот-таҳлилий материалларни қоғоз ва электрон шаклда Девоннинг тегишли таркибий тузилмасига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш учун тақдим этади.

79. Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси Ижро этувчи аппарат билан биргаликда қабул қилинган материалларнинг якуний расмийлаштирилишини амалга оширади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиши учун йиғилиш ўтказилишига икки иш кунидан кеч бўлмаган муддатда, агарда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, киритади.

80. Йиғилишларнинг ташкилий таъминоти, шу жумладан йиғилиш иштирокчиларини хабардор қилиш Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси томонидан, Ижро этувчи аппарат билан биргаликда, йиғилишнинг моддий-техник таъминоти (стенограммалаш, аудио-видеоёзув, овоз кучайтириш ва ш. к.) эса — Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати йиғилишни оммавий ахборот воситаларида ёритишни таъминлайди.

81. Йиғилишларда қабул қилинган қарорлар, қоида тариқасида, баённома билан расмийлаштирилади.

82. Йиғилишнинг стенограммаси ва аудиоёзуви Ижро этувчи аппарат ва Девоннинг тегишли таркибий тузилмасига йиғилиш ўтказилган кундан бир иш куни давомида, агарда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, топширилади.

Йиғилиш давомида амалга оширилган стенограмма ва аудиоёзув расшифровкаси, тақдим этилган тезислар, маъруза ва чиқишлар, маълумотномалар, қарор лойиҳалари ва бошқа материаллар асосида Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси Ижро этувчи аппарат билан биргаликда йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб икки иш куни давомида баённома лойиҳасини тайёрлайди. Зарурат бўлганда, баённома лойиҳаси унда назарда тутилган топшириқларнинг асосий ижрочилари билан келишилади.

Баённома, агарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғида бошқача белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

83. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган йиғилиш баённомасига рақам, сана ва имзо чекиш жойи қўйилади. Баённоманинг тарқатиладиган нусхалари Умумий бўлим муҳри билан тасдиқланади. Йиғилиш баённомасининг имзоланган нусхаси Умумий бўлимда сақланади.

84. Йиғилиш баённомаси у имзоланган куни Умумий бўлим томонидан Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси масъул ходими имзолайдиган рўйхат асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат органлари ва ташкилотларга юборилади.

85. Йиғилишлар давомида, шу жумладан республиканинг ҳудудларига қилинган ташрифларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқлар ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро этувчи аппарати, шунингдек Девоннинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари билан биргаликда амалга оширилади.

## 8-боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқларини ҳамда Девон таркибий тузилмалари раҳбарларининг топшириқлари ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш

86. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш мазкур Регламентнинг 6-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



87. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш, топшириқлари, шунингдек Девон таркибий тузилмалари раҳбарларининг топшириқлари (бундан буён матнда топшириқлар деб юритилади) ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мажбурий назорат қилиниши лозим.

88. Топшириқлар ижросини ташкиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилишининг ижроси ва назоратини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

89. Топшириқларни ижрочиларга етказиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан бир кунлик муддатда, шошилинч топшириқларни эса — зудлик билан таъминланади.

90. Топшириқлар белгиланган муддатда, муддат кўрсатилмаган ҳолларда эса — топшириқ имзоланган кундан эътиборан бир ой муддатда бажарилиши лозим.

91. Агар топшириқ бир неча давлат органлари ва ташкилотларга берилган бўлса, топшириқда биринчи кўрсатилган ёки «чақириқ» сўзи билан белгиланган тегишли орган ва ташкилот раҳбари топшириқнинг асосий ижрочиси ҳисобланади, ишларни ташкил этади ва уни ўз вақтида тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

Ҳамижрочилар асосий ижрочига тегишли орган ва ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган таклифларни тақдим қилади. Асосий ижрочи ҳужжатнинг якуний лойиҳасини келишиш ва тайёрлаш тартибини белгилайди. Шошилинч топшириқларни ижро этиш зарур бўлганда асосий ижрочи топшириқ ижросини тезкор тартибда, шу жумладан ишчи гуруҳларни ташкил қилиш орқали ижросини ташкил этади.

92. Топшириқ белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда у бажарил-



WWW.LEX.UZ

маган ҳисобланади ва назоратда қолдирилади. Уни бажариш мажбурияти ижрочида (асосий ижрочида) сақланади.

Топшириқ ижрочиси (асосий ижрочиси) топшириқни бажариш учун берилган муддат тугаганидан кейин уч кун ичида Девоннинг тегишли таркибий тузилмасига топшириқни бажариш ҳолати, белгиланган муддатда бажармаганлик сабаблари юзасидан тушунтириш беради.

93. Девоннинг таркибий тузилмалари назорати Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбари зиммасига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини ташкил этади ва бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Топшириқлар ижросини ташкил қилиш ва ижро назорати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг муҳим фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бўйича чора-тадбирлар (назорат) режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли таркибий тузилма, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан амалий чора-тадбирларни тасдиқланган муддатларда амалга ошириш;

уларнинг бажарилишини давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мақсадли ўрганиш;

топшириқларда қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш билан таъминланади.

94. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларини бажариш бўйича ижро интизоми ҳолатини тизимли ва танқидий таҳлил қилиш:

ҳар куни — давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг назорат бўлинмалари тегишли чора кўришлари учун раҳбарларга хабар беришни таъминлайдилар;

ҳар ҳафта, душанба-сешанбада — барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари томонидан ижро интизомининг ҳолатини таҳлил қилиниши таъминланади. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида танқидий муҳокама ва таъсирли чоралар қабул қилиш таъминланади.

ҳар ҳафта, чоршанбада — Вазирлар Маҳкамасининг умумлаштирилган таҳлили Девон таркибий тузилмалари билан биргаликда қўшимча ишлаш учун Девоннинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига тақдим қилинади;

ҳар ойда, охирги жумада — айбдор мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти чоралари бўйича аниқ таклифларни қамраб олган батафсил таҳлил Ўзбекистон Республикаси Президентига маълум қилинади.

95. Девон таркибий тузилмалари раҳбарлари ўз тузилмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фар-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



монлари, қарорлари ва фармойишларини ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ бажарилишида ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

96. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат Девоннинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларини сифатли ва ўз вақтида бажарилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш мақсадида Ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизими яратилади.

## 9-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

97. Девон ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан кўриб чиқилишини таъминлайди

98. Девонга келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан кўриб чиқилади.

99. Девонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ−2721-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга асосан амалга оширилади.

## 10-боб. Кадрлар масалаларини кўриб чиқиш тартиби

100. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида мансабдор шахсларни лавозимга тайинлайди ва тасдиқлайди, лавозимга тайинлаш, сайлаш ёки тасдиқлаш учун тақдим этади ва келишади, шунингдек, лавозимидан озод этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида мансабдор шахсларни лавозимга тасдиқлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари раҳбарлари билан келишилади.

101. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирадиган аниқ лавозимларнинг Девоннинг таркибий тузилмалари ўртасидаги тақсимоти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

102. Ташкилий-кадрлар хизмати кадрлар масаласи бўйича Девоннинг



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



бошқа таркибий тузилмалари фаолиятини умумий мувофиқлаштирилишини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номенклатурасига кирадиган кадрлар бўйича масалалар тақсимотга мувофиқ Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилади.

Девоннинг номенклатурасига кирадиган кадрлар бўйича масалалар тақсимотга мувофиқ Девоннинг тегишли таркибий тузилмаларининг бевосита раҳбарлари томонидан ҳал этилади.

103. Кадрлар масалаларини ишлаб чиқишга масъул бўлган Девоннинг таркибий тузилмалари уларнинг ваколатига кирадиган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади, уларнинг захирасини шакллантиради, улар фаолиятининг самарадорлиги мониторингини ўтказади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирадиган кадрлар захирасини шакллантириш учун номзодлар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

Кадрлар захирасини шакллантириш учун номзодларни танлаб олишда уларнинг касбий даражаси, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари, иқтисодиётнинг тегишли тармоқларини ва ижтимоий соҳани барқарор ва жадал ривожлантириш, шунингдек республика ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қўйиладиган вазифаларни самарали таъминлай олиш бўйича потенциал қобилияти ҳисобга олинади.

104. Кадрлар масалаларини ҳал этиш учун қуйидагилардан иборат бўлган ҳужжатлар тўплами йиғилади:

номзоднинг шахсий маълумотлари, унинг фаолиятини тавсифловчи материаллар;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, бошқа давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг номзоднинг касбий ва шахсий сифатларини ўз ичига олган тақдимномаси (тавсияномаси) ва унинг юклатилган вазифаларни бажариш қобилияти ҳақидаги хулосаси;

паспорти, маълумоти, илмий даражалар ва унвонлар олганлиги ҳақида ҳужжатлар, меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билети нусхалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги юзасидан масъулият Девонга ҳужжатларни киритган тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, бошқа давлат органи ва ташкилоти раҳбарлари зиммасига юклатилади.

105. Қўйилган мақсадлар ва вазифаларга юқори касбий даражада эришишни таъминлашга қодир бўлган муносиб номзодларни тавсия қилиш бўйича шахсий масъулият номзодни тавсия қилган Девоннинг таркибий тузилмалари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўрин-



WWW.LEX.UZ

босарлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

106. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирадиган мансабдор шахсларнинг шахсий йиғма жилдларининг ҳисоби ва юритилиши Девоннинг Ташкилий-кадрлар хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

107. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ давлат ҳокимияти олий органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг алоҳида мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган хизмат гувоҳномалари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган хизмат гувоҳномаларинини берилиши ва топширилиши бўйича ишларни ташкил қилиш Режим бўйича хизмат томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Хизмат гувоҳномаларининг эгалари уларнинг сақланиши учун шахсан жавобгардирлар.

108. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирадиган мансабдор шахсларни лавозимдан озод қилиш, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб ўрнатилган бўлмаса, улар тайинланган ва тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

## 11-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш, олий ҳарбий ва малакавий унвонларини бериш, улардан маҳрум қилиш, шунингдек Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш

109. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий, малакавий ва фахрий унвонларини беради.

110. Давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва улардан маҳрум қилиш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 июлдаги ПҚ–3119-сонли «Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссия фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Девоннинг Ташкилий-кадрлар хизмати давлат мукофотлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради.

111. Олий ҳарбий унвон бериш ва олий ҳарбий унвондан маҳрум қилиш, шунингдек олий ҳарбий унвонини пасайтириш ҳамда тиклаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

112. Малакавий унвонлар давлат органлари ходимларига уларнинг ма-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



лакаси, иш стажи ва эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқиб бериладиган махсус унвонлар (дипломатик даражалар, мартаба даражалари, малака даражалари ва бошқалар) ҳисобланади.

Дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш ва маҳрум қилишнинг ўзига хос жиҳатлари «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида»ги Қонунга кўра белгиланади.

Бошқа махсус унвонларни бериш ва маҳрум қилишнинг ўзига хос жиҳатлари белгиланган тартибда тасдиқланган малака унвонлари, хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ белгиланади.

113. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган давлат мукофотлари тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади.

## 12-боб. Фуқаролик ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни кўриб чиқиш

114. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади.

115. Ўзбекистон Республикаси Президенти:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

чет элда истиқомат қиладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида.

116. Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний эътиқоди, ирқий ёки миллий мансублиги учун таъқиб қилинаётган ёки таъқиб қилишнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишининг бошқа ҳолатларидан бошпана ва ҳимоя излаётган шахсларга ва уларнинг оила аъзоларига берилади.

117. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ва сиёсий бошпана бериш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ–500-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон Фармони



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

118. Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ва сиёсий бошпана бериш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш фаолиятини мувофиқлаштиради.

## 13-боб. Амнистия ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этишга оид масалаларни киритиш ва кўриб чиқиш

119. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

120. Амнистия акти жиноят содир қилган маълум тоифадаги шахсларга жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаслик орқали уларга тузалиш имкониятини бериш ёки бу чоралар қўлланганда уларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси ҳисобланади.

121. Афв этиш ҳукм қилинган шахсга нисбатан инсонпарварлик ифодаси бўлиб, уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилади ёки суд томонидан белгиланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштиради.

Афв этиш аниқ ҳукм қилинганга нисбатан индивидуал тарзда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва жиноят содир қилинганлиги фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

122. Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги ПФ—4094-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

123. Девоннинг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати амнистия ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларни афв этишга оид масалаларни кўриб чиқиш фаолиятини мувофиқлаштиради.

## 14-боб. Мансабдор шахсларнинг чет элга чиқиш масаласини келишиш тартиби

124. Чет элга хизмат сафарига чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девоннинг таркибий тузилмалари билан келишилиши талаб қилинадиган мансабдор шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ—2142-сонли қарори билан тасдиқланган.



WWW.LEX.UZ

125. Мансабдор шахсларнинг чет элга чиқишини келишиш масаласи Девонга Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 октябрдаги 299-сонли «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ киритилади.

126. Мансабдор шахсларнинг чет элга чиқиш масаласи Девоннинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан, агар муддатидан олдин келишиш керак бўлмаса, ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади.

127. Девон таркибий тузилмаси раҳбари белгилаган ижрочи Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки таркибий тузилма раҳбарига ахборот бериш ва келишиш учун материалларни тайёрлайди.

Девоннинг таркибий тузилмалари чет элга чиқишни келишиш масаласини ҳал қилиш учун қўшимча материаллар ва маълумотларни сўрашга ҳақли.

128. Чет элга чиқиш масаласи келишилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва тегишли давлат органига Ўзбекистон Республикаси Президентининг резолюцияси бўлган хат ёки Девон таркибий тузилмаси раҳбарининг хати юборилади.

## 15-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги расмий протокол тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ишни ташкиллаштириш

129. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади.

130. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги расмий протокол тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижро этувчи аппарати томонидан (бундан буён матнда Ижро этувчи аппарат деб юритилади) Ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилади.

131. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга қилган ташрифлари давомида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий делегацияларни қабул қилишда эришилган келишувларнинг (бундан буён матнда эришилган келишувлар деб юритилади) амалга оширилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва Девоннинг таркибий тузилмалари раҳбарлари Ўзбе-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



кистон Республикаси Президенти олдида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши юзасидан даврий равишда ҳисобот беради.

132. Ижро этувчи аппарат Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий делегацияларни қабул қилиш якунлари бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижро этилишининг мониторингини амалга оширади.

133. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати аудио ва видеоёзувни амалга оширади, Ижро этувчи аппарат билан келишган ҳолда аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакилларига рухсат бериш ишларини ўтказади, тегишли ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида тарқалишини ташкиллаштиради.

Ижро этувчи аппарат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати билан биргаликда олдиндан пресс-релиз ва протокол тадбир ҳақида қисқача маълумотнома лойиҳаларини тайёрлайди.

## 16-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи маслаҳат, кенгаш ва бошқа органлар

134. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини амалга оширишга кўмаклашиш учун маслаҳат, кенгаш ва бошқа органлар (бундай буён матнда маслаҳат ва кенгаш органлари деб юритилади) ташкил этилиши мумкин.

135. Маслаҳат ва кенгаш органларининг вазифа, функция, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш улар ҳақидаги тегишли низомлар билан белгиланади.

136. Маслаҳат ва кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш, ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш Девоннинг уларга бириктирилган тегишли таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилади.

## 17-боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш

137. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таъминланади.

138. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек матбуот-конференциялар, брифинглар,



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



интервьюлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувларини ташкиллаштириш Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати томонидан амалга оширилади.

139. Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида ҳужжатлари, нутқлари ва бошқа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хабарнома — Пресс-бюллетень» расмий нашрида нашр этилади.

«Хабарнома — Пресс-бюллетень»нинг нашр этилишини ташкиллаштириш Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати томонидан амалга оширилади.

140. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-ресурсида ахборотни жойлаштириш ва янгилаш тартиби Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати томонидан Ижро этувчи аппарат билан келишилган ҳолда белгиланади.

## 18-боб. Девон таркибий тузилмалари раҳбарлари ва ходимларининг жавобгарлиги

141. Девон таркибий тузилмаларининг раҳбарлари ва ходимлари:

мазкур регламент талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилиш;

ўзларига юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда бошқа экспертизаси комплекс ва сифатли бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар ва масалаларни киритишда эксперт жиҳатдан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил қилиш, миллий ва давлат манфаатларини таъминлаш;

мувофиқлаштириладиган тузилмалар томонидан уларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

ижро интизомини таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

142. Мазкур Регламент талабларини бузишда айбдор бўлган Девон таркибий тузилмаларининг раҳбарлари ва ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилади.

## 19-боб. Якуний қоидалар

143. Девонга мазкур Регламент талабларига риоя этмасдан киритилган ҳужжатлар Девон тегишли таркибий тузилмалари раҳбарлари томонидан қўшимча ишлаш учун қайтарилиши мумкин.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 7 август ҳолатига



144. Девон таркибий тузилмалари томонидан мазкур Регламент билан тартибга солинмаган масалаларни кўриб чиқиш тартиби шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган Регламент нормаларига асосан амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
девонининг Регламентига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзоланиш ва эълон қилиш тартиби**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Ижрочилар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1. ҚП томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган қонунни ЎР Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юбориш | ОМ Сенати, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса — ОМ ҚП | 1. Қонун ПДга тегишли кузатув хати билан юборилади. Хатга:<br>Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг қарори;<br>ахборот-таҳлилий материаллари илова қилинади.<br>2. Тақдим этилган қонун ҚП Спикери ва Сенат Раиси томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ҚП Спикери томонидан имзоланган бўлиши лозим. | Ўн кун давомида |
| 2. Қонуннинг эксперт жиҳатдан ишланиши | ПД Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати ва бошқа хизматлари | Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, қонун билан тартибга солинган масалалар мазмунидан келиб чиқиб, қонунни эксперт жиҳатдан ишлаш учун тегишли хизматларга ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юбориши мумкин. | ПДга қонун киритилгандан кейин ўттиз кун давомида |
| 3. Қонунни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш | ПД Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати | 1. ПД Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати қонунни ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди.<br>2. Ҳуқуқий экспертиза натижаси бўйича қонунни имзолаш мумкинлиги ёки уни ЎР Президентининг эътирозлари билан қайтариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрланади. | |
